Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 1 апрель, № 62 (5992) Сешанба

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

замонавий корхоналарнинг юксалишига асос бўлмоқда

ЖАРАЁН

2013 — 2015 йилларда Андижон вилоятининг саноат салоҳиятини оширишга қаратилган Дастурга асосан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирлари изчил амага оширилаётир. Натижада ҳудудда юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрловчи корхоналар сони тобора кўпаймоқда.



Гап шундаки, мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили бу ерда 3578 та лойиҳани рўёбга чиқариш учун 234,7 миллион АҚШ долларилик инвестиция киритилди. Шунинг ҳисобидан 24 минг 346 та иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда вилоятда хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган 73 та корхона фаолият юритмоқда. Юқори сифатли хом ашё базаси, малакали кадрлар, ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги, айниқса, тўқимачилик соҳасида янги қувватларни ишга тушириш имконини бераяпти.

Мисол учун, бултур ушбу жабҳада 294 та субъект фойдаланишга топширилди. Шундан 10 таси калава ип, 98 таси тикувчилик, 137 таси трикотаж маҳсулотлари, 16 таси пайпоқ, 10 таси бўз ва сочиқ, 8 таси трикотаж мато тўқиш ҳамда 15 таси бошқа турдаги енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жамиятимиз ҳаёти ва унинг барқарор ривожланиши учун қандай давлат механизми мос келиши жуда мураккаб масала. Чунки ҳар бир халқнинг фаровонлиги, ҳар қайси мамлакатнинг яхлитлиги ана шу масаланинг ижобий ҳал қилинишига бевосита боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Давлат қурилиши, бу — ҳар бир халқ мустақил равишда амалга оширадиган жараёндир. Бунда ҳуқуқий давлатчиликнинг умумэътироф этилган концепциялари мавжуд бўлса-да, халқ ўз конституциявий йўлини излаши, кўп жиҳатдан, аҳолининг анъаналари, ҳуқуқий онги ва манфаатларига мақбул ҳокимият шаклини қуриши талаб этилади. Бундай ҳокимият шакли халқнинг ўзига хослиги, тарихий тажрибаси билан боғлиқ ҳуқуқий маданиятини ўзида намоён этади. Чунки барча халқлар учун мақбул келадиган тайёр андоза ва тавсиялар бўлмайди. Зеро, давлатчиликнинг барпо этилиши давлат қурилиши соҳасидаги энг илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда ҳар бир халқнинг ўзи босиб ўтиши керак бўлган конституциявий тараққиёт йўлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Биз мамлакатимиз, келажак авлод учун кенг имкониятлар ва истиқболлар очувчи, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига жавоб берувчи йўлни танладик ва унга қадам қўйдик. Зотан, биз ўз олдимизга оддий бўлмаган буюк мақсадлар қўйганимизни ва уларга эришиш қанчалик қийин ва мураккаб эканлигини англаган эдик ва биз бунга бугун гувоҳ бўлиб турибмиз.

Жуда қисқа тарихий вақт оралиғида бизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, ўзининг мустақил овозига эга бўлди...”.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиши мамлакатимиз мустақилликкa эришилган кундан бошлаб тадрижий, босқичма-босқич, жамиятни, давлат ҳокимиятини бу соҳадаги ислоҳотларнинг изчил ва узвий тамойиллари асосида либераллаштириш ва демократлаштириш йўлидан бормоқда. Бу борада ўзаро демократик ўзгаришларнинг устувор йўналиши ижро этувчи ҳокимият шаклланиши ва ривожланишининг конституциявий асосларини изчил ва босқичма-босқич янгилаш ҳисобланади. Ушбу жараён сифат жиҳатдан ўзаро муштарак бўлган, бир-бирини тўлдирадиган бир қанча ташкилий, қонун ижодкорлиги босқичларини ўз ичига олади.

Тарихимизга назар ташлаб, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти қанчалик ўзгарганини кўришимиз мумкин. Тўқсонинчи йиллар янги давлатчилик, янги мустақил давлатнинг шаклланиш даври бўлди. Бу даврда мамлакат раҳбариятидан жамиятни, иқтисодиётни инқироздан сақлаб қолиш, ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватлаш, ислоҳотларни ўтказиш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш бўйича вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилиш талаб қилинар эди. Ана шу ўтиш даврида фақат кучли мамлакат, ижро этувчи ҳокимиятгина вазиятни ўнглаши, яъни мамлакатдаги ислоҳотлар учун масъулиятни ўзига олиб, янги тузум қуриш учун хавфсиз ва барқарор ўтишни таъминлай олар эди. Мураккаб ўтиш даврида қабул қилинаётган қонунларни амалда қўллашга, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини амалга оширишга, мамлакатимизда ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлашга қодир бўлган бозор, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш учун мустаҳкам иқтисодий асос ва ҳуқуқий базани шакллантиришга, давлат бошқаруви, қатъий ҳокимият вертикал органларининг самарали тизим ва тузилмаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шу даврда мустабид, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими тўлиқ ўзгартирилди, Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги вакиллик ҳамда ижро органларининг ҳуқуқий асослари яратилди.

(Давоми 2-бетда).

СЕМИНАР

Шу кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонуннинг кенг муҳокамаси ўтказилмоқда.

Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар кенг муҳокама қилинмоқда

Ушбу Қонуннинг асосий қоидалари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти (АҚҲМИ) томонидан ташкил этилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари: миллий ва хорижий тажриба” мавзуидаги илмий-амалий семинарда ҳам муҳокама этилди.

Семинарда Олий Мажлис аъзолари, ЖИДУ қошидаги Оммавий ҳуқуқ тадқиқот маркази, АҚҲМИ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети, ИИВ Академияси вакиллари қатнашди.

Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштиришга, давлат бошқарувининг энг муҳим принциплари — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари мустақиллиги ва тенглиги, ваколатларининг мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашини таъминлашнинг конституциявий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми эканлиги семинар иштирокчилари томонидан қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Европа парламентида Наврўз шукуҳи

Брюсселдаги Европа парламенти биносида Ўзбекистон халқ амалий санъати асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Европа Иттифоқидаги дипломатия миссияси томонидан Наврўз байрами тадбирлари доирасида уюштирилган ушбу кўргазмада миллий каштачилик, кулоллик ҳамда бадиий миниатюра ва ўзбек халқ амалий санъатининг ранг-баранг маҳсулотлари намойиш этилди.

ЭЪТИРОФ

Кўргазманинг очилиш маросимида Ташқи ишлар вазири А. Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари, Европа парламенти депутатлари, Еврокомиссия, Бельгия Қироллигининг федерал ҳамда минтақавий вазирлик ва идоралари, ишбилармон, жамоатчилик, таҳлилий ва маданий доиралар, мамлакатда аккредитациядан ўтган ЕИ ҳамда НАТО ҳузуридаги дипломатия миссияларининг мутасадди вакиллари ва журналистлар қатнашди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда Наврўз байрамининг нишонланиши тарихи ҳамда анъаналари, халқимизнинг бой маданий-меъморий мероси, тамаддунлар ва маданиятлар чорраҳаси ҳисобланадиган Ўзбекистон ўтмиши ҳақидаги маълумотлар билан танишди. Улар, шунингдек, мустақил ривожланиш йиллари давомида республикамиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда қўлга киритган муваффақиятлар юзасидан ҳам атроф-лича ахборотларга эга бўлдилар.

Маросимда сўзга чиққан **Европа парламенти вице-президенти Райнер Виланд** ўзбек халқини Наврўз билан қутлади. У мазкур тадбир Европа марказида ажойиб баҳор байрами — Наврўзнинг бетаккрор ва унутилмас руҳини ҳис қилиш имконини берганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи, бой маданияти, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарларнинг ноёб меъморий гўзаллиги ҳамда Наврўз байрами ўзбек халқининг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган беқиёс ва муҳим анъаналарини ўзида мужассам этган, — деди Р. Виланд. — Буларнинг барчаси европаликларни Ўзбекистонга бориш ҳамда жаҳон илм-фани ва маърифатига катта ҳисса қўшган ўзбек халқининг бебаҳо мероси билан бевосита танишишга чорлайди.

Европа парламентида ва умуман, Европада Ўзбекистон ҳақида, айниқса, мустақиллик йиллари мобайнида республикада демократик, ҳуқуқий ҳамда дунёвий давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган сиёсат ҳақида яхши билишади. Сўнгги йилларда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан жадал, барқарор ривожланиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдирки, бу республиканинг келажакда ҳам дадил тараққий топиши учун мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилади.

Райнер Виланд Европа парламенти келажакда бу каби тадбирларни ўтказиш амалиётини давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

ЕИ — Ўзбекистон Парламент ҳамкорлиги қўмитасининг фаол аъзоларидан бири, **Европа парламенти депутати Элизабет Йеггле (Германия)** ўз нутқида Наврўз янги йилнинг муқаддимаси, эзгу ниятлар рамзи ҳамда ўзбек халқининг минг йиллардан буён нишонланиб келаётган севимли байрами эканлигини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

ЮТУҚЛИ ЗАЁМЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёми облигацияларини қабул қилиш ва тўлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, бугундан бошлаб уни Давлат-тижорат Халқ банкининг ваколатли бўлинмаларида қабул қилиш ишларига киришилади. Шу муносабат билан мазкур жараёнга қандай ҳозирлик кўрилгани ҳақида ушбу банкнинг чакана банк хизматлари бошқармаси бошлиғи Дилмурод ИСМОИЛОВ билан суҳбатлашдик.

ҚАРОР ВА ИЖРО

— Маълумки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан эътиборан амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаати, унинг фаровон турмуш кечириши ва келажагини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — деди у. — Бунинг самараси эса бугун иқтисодиётимизнинг барча жабҳасида кузатилаётган ўзгариш ва янгиланишларда яққол намоён бўлмоқда. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини чиқариш ва уни тарқатиш тартиби тўғрисида”ги қарорини шундай эзгу мақсадга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар сирасига киритиш мумкин. Чунки ушбу қарорга кўра, аҳолига ихтиёрий тарқатиш учун 250, 500, 1000 сўмлик қийматдаги 12 фоизли ички ютуқли заём облигациялари чиқарилган эди. Ҳукуматнинг жорий йил 5 мартидаги қарорига мувофиқ эса, 1 апрелдан бошлаб уларни қабул қилиш бошланди ва бу жараён 1 июлгача давом этади.

— Бунинг учун молия муассасаси томонидан қандай тайёргарлик ишлари амалга оширилди?

— Аввало, қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш ва аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат-тижорат Халқ банкининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмларни аҳолидан қабул қилиш тўғрисидаги қўшма мурожаати эълон қилинди. Барча ваколатли бўлимларимизда облигацияларни қабул қилиш ва тўлашни амалга оширишга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Айни пайтда молиявий муассасамизнинг 198 та филиали мавжуд бўлса, уларнинг барчасида фуқароларга бу борада ахборот берувчи маълумотлар бурчаги, махсус стендлар тайёрланди. Компьютерлар эса шунга мос дастурланиб, мутахассисларга облигацияни текшириш учун детекторлар етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, ўтиш даврининг барча қийинчиликларига қарамасдан, давлат ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий тамойилини изчил амалга ошириш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатнинг самарали тизимини барпо этишга асосланди.

Давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида ваколатларни тўғри тақсимлаш масаласи босқичма-босқич ҳал этилди. Бу борада ҳокимиятлар бўлиниши тамойили, ҳеч шубҳасиз, концептуал йўналиш бўлиб, айни вақтда ҳокимиятни ташкил этиш ва унинг муайян ривожланиш босқичидаги фаолият кўрсатиши бўйича қулай моделни танлаш замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ривожланиши, сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва фуқаролик институтларининг етуклиги ортиши, сиёсий маданият ва ҳуқуқий онгнинг юксалиб бориши билан Президент ваколатларининг изчил ва босқичма-босқич равишда парламентга ва Вазирлар Маҳкамасига ўтказиб берилиши асосида давлат бошқаруви органларининг масъулияти ортиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари бир вақтнинг ўзида эгаллаб келган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозими тугатилгани либераллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга биноан, Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятни ташкил этиш билан бирга, унга раҳбарлик қилади, унинг фаолияти самарадорлигига шахсан жавоб беради, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро ҳокимиятининг бошлиғи эканини белгилайдиган нормаларнинг чиқариб ташланиши муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Давлатчилик тизимининг демократик янгиланиш жараёнларида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси навбатдаги қудратли туртки бўлди. Мамлакатни демократлаштириш ва ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичида, мазкур Концепцияга биноан, 2011 йилда Конституцияга сайловда энг кўп овоз олган сиёсий партия томонидан кўрсатилган Бош вазир номзоди парламент муҳокамасига қўйилиши ҳақидаги ўзгартишлар киритилиб, ҳукуматга ишончсизлик вотуми институти жорий қилинди ва шундан келиб чиқадиган бошқа чоралар амалга оширилди. 2011 йилги конституциявий ислоҳот парламент мақомини янада мустаҳкамлаб, унинг сиёсий мавқеини оширди ва ислоҳотларнинг самарали олиб борилиши учун масъул бўлган ҳукуматни, яъни жамиятдаги ҳукмрон сиёсий манфаатларни ифода этадиган парламентга ҳисоб берадиган ҳукуматни шакллантиришга асос солди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига давлатимиз раҳбари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78 , 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги қонун лойиҳасининг киритилиши ҳокимият тармоқлари ваколатларининг мутаносиб равишда бўлинишини таъминлаш тамойилига асосланган миллий давлатчилик моделини такомиллаштириш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларини, айниқса, иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилишини либераллаштиришга қаратилган янги вазифалар ва барча ҳокимият тармоқлари мустақиллигини кучайтириш зарурати мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий соҳадаги масалаларни ҳал этишда ижро ҳокимияти тизимини ва давлат бошқарувини мутаносиб равишда такомиллаштиришни, Вазирлар Маҳкамасининг роли ва мустақиллигини кучайтиришни талаб этди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини янада аниқ-равшан белгилаб олиш зарурати туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасининг янги таҳririга кўра, Вазирлар Маҳкамаси, *биринчидан*, самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсатини олиб бориш; илм-фан, маданият, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади; *иккинчидан*, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади; *учинчидан*, давлат ва хўжалик органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, шунингдек, қонунда ўрнатилган тартибга кўра, уларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради; *тўртинчидан*, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган фармонлар, қарор ва фармойишларнинг ижросини таъминлайди; *бешинчидан,* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир масалалар юзасидан йиллик ҳисоботларни тақдим этади; *олтинчидан,* ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига тузатиш киритиш белгиланган бўлиб, унга кўра вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва тугатиш ишлари Вазирлар Маҳкамаси тақдимига биноан Президент томонидан амалга оширилади. Бундай тартиб Ҳукуматнинг давлат бошқаруви тизимини уюштириш борасидаги имкониятларини кенгайтиради ва шу билан бирга, унинг маъмурий идоралар фаолиятини самарали ҳамда сифатли йўлга қўйиш борасидаги масъулиятини оширади.

Муҳим янгиликлардан яна бири — Бош вазирни лавозимига тайинлашнинг янги тартибидир. Конституциямизнинг янги таҳрирдаги 98-моддасига мувофиқ, Бош вазир лавозимига номзод Олий Мажлисга унинг номзоди кўрилиши ҳамда тасдиқланиши учун Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади. Бундай тартиб лавозимга тайинлашнинг маъно-мазмунини ва хусусиятини принципиал жиҳатдан бутунлай ўзгартиради. Энди нафақат номзод шахсиятига хос ўзига хосликлар, балки у ҳукумат раҳбари сифатида амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган дастурнинг маъно-мазмуни ҳам ҳисобга олинади. Мазкур ҳолат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига дахлдор долзарб муаммоларнинг ҳукумат шаклланиш босқичидаёқ кенг муҳокама қилиниши учун имконият яратади ҳамда ҳокимиятнинг ушбу институти олдига том маънода янги талаблар қўяди.

Мамлакатимизда сўнгги ўн йиллар давомида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ижро ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришни таъминлай оладиган замонавий модели яратилди, деб таъкидлашга бугун барча асослар бор.

Шу билан бирга, Конституцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши миллий қонунчилигимизга янгитдан киритилган конституциявий нормаларни амалга ошириш, демократик ислоҳотларнинг бугунги босқичида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс дастурларни рўёбга чиқариш зарурлигини кун тартибига қўймоқда.

Аввало, янгитдан шаклланадиган Вазирлар Маҳкамаси маъмурий тизимни ислоҳ қилишни ўз фаолиятининг устувор йўналиши сифатида қарайди, деб ҳисоблаш мумкин.

Айни чоғда жамият ва фуқаролик институтлари учун ижроия ҳокимият органларининг фаолиятига оид маълумотлар очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш конституциявий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиши лозим. Шу муносабат билан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур Қонун бошқа муҳим қонунлар, яъни долзарб аҳамиятга эга бўлган адлия ва маъмурий тартиб-тамойиллар, давлат хизмати, давлат ва хўжалик бошқаруви асослари, маъмурий нормалар ижодкорлиги тўғрисидаги қонунлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқни янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, давлат қурилиши, Ўзбекистонда давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ қилишнинг самарадорлигини ошириш масалалари ҳам муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Афсуски, бугунги кунда маъмурий ҳуқуқ соҳасида эски қолипдаги билимлар тез-тез кўзга ташланмоқда, у жадал ривожланиб бораётган амалиёт эҳтиёжларидан орқада қолмоқда.

Давлат-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар эҳтиёжи маъмурий ҳуқуқни ривожлантиришда мамлакатимизда давлат бошқаруви амалиёти бугунги кунда қандай ҳолатда экани ва бу борадаги тарихий мероснинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви амалиёти ва назариясининг жаҳон миқёсидаги илғор ютуқларини ўзида уйғунлаштирган янги назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Ушбу фикр-мулоҳазаларнинг барчаси илмий доираларда қизғин ва амалий таҳлил ҳамда муҳокамалар мавзусига айланса, айни муддао бўлар эди.

И. ХАМЕДОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори.

Европа парламентида Наврўз шукуҳи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон ўзининг кўҳна ва бой маданий-тарихий мероси, халқининг меҳнатсеварлиги билан фахрланса арзийдиган ўлка ҳисобланади, — деди у. — Бундай қадриятлар бугунги кўргазмада намойиш қилинаётган ўзбек халқ ижодиёти ва амалий санъатининг намуналарида ҳам акс этган. Темурийлар даврининг йирик маданий-илмий маркази саналган Ўзбекистон заминида қатор буюк олим ва мутафаккирлар яшаб, ижод қилганларки, улар Европа илм-фани ҳамда маданиятининг тараққиётига ҳам таъсир кўрсатган. Бугун жамиятларимиз ўртасидаги яқин муносабатлар конструктив ҳамкорликнинг асосини ташкил этади. Бу изчил мулоқот ва ўзаро англашув учун муҳим пойдевордир.

Тадбир доирасида халқимиз миллий санъати усталари чиқишларидан ташкил топган маданий дастур ҳам намойиш этилди. Маросим меҳмонлари Азиз Ражабий бошчилигидаги ўзбек санъаткорлари жамоасининг куй-қўшиқларидан баҳраманд бўлди. Улар, шунингдек, ўзбек миллий таомларидан татиб кўришди.

Кўргазма якунида унинг айрим иштирокчилари "Жаҳон" АА мухбири билан суҳбат чоғида Наврўз байрами муносабати билан ўз қутловларини изҳор этдилар.

Чабо Табажи, Европа парламенти депутати (Венгрия):

— Барча ўзбекистонликларни Шарқ мамлакатларида янги йил кириб келишининг рамзи сифатида нишонланадиган Наврўзи олам билан табриклайман. Наврўзнинг Ўзбекистонда байрам қилиниши чуқур тарихий илдизларга эга бўлгани ҳолда, у ўлкангизнинг ранг-баранг маданий меросини ҳам намоён қилади. Ушбу айём Ўзбекистон заминида тинчлик-ҳамжиҳатликда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик, бирдамлик ва биродарликни мужассамлаштиради.

Мамлакатингизда ривожланишнинг устувор ижтимоий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир янги йилга ном берилиши яхши анъанага айланган. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг 2014 йилни Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббуси алоҳида эътиборга сазовордир. Биз Ўзбекистонда таълим жабҳаси, хусусан, ёшларни жисмонан баркамол этиб, уларни катта авлодга, ўз тарихий илдизлари ва ўтмишига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбек халқи доимо ўз фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг бахтли келажаги йўлида ҳаракат қилган.

Александр Лимбург, Бельгиядаги "Almatours" сайёҳлик компанияси бош директори:

— Бугун бўлиб ўтган тадбир европаликларда катта қизиқиш уйғотиши баробарида, ўзбек халқининг авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган кўҳна анъаналарини ҳам намоён этди. Ўтган йили Ўзбекистонга уюштирган сафаримдан унутилмас таассуротлар билан қайтдим. Унга қадар юртингизнинг буюк тарихи ҳамда замонавий тараққиёти ҳақида адабиётлардан кўплаб маълумотларни олган эдим.

Ҳозирги кунда кўплаб бельгияликлар Ўзбекистон билан танишиш истагидадирлар. Яқинда компаниямиз сайёҳларнинг катта гуруҳини тўплади. Улар жорий йилнинг апрелида республикангиз бўйлаб саёҳатга чиқишади. Бугунги маросимда мазкур саёҳат дастуримизнинг баъзи иштирокчилари ҳам ҳозир бўлдилар. Улар ҳам ҳақиқий умумхалқ байрами ҳисобланадиган Наврўзнинг бетакрор руҳидан баҳраманд бўлди.

Натали Твист, Монс шаҳри университети профессори:

— Брюсселда ўзбек халқининг кўҳна ва ардоқли байрамларидан бири — Наврўзи олам тантанасида қатнашишдан мамнунман. Бу каби тадбирлар Европа ва Ўзбекистон халқларининг яқинлашувига хизмат қилади.

Бугунги тадбир меҳмонлари ўзбек халқининг самимиятини, ҳарорати ва меҳмондўстлигини ҳис этиш, унинг тарихий-маданий мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистон миллий маданияти ва кўп асрлик анъаналарини нафақат сақлаб қололган, балки уни янада бойита олган мамлакатдир.

«Жаҳон» АА.
Брюссель

Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар кенг муҳокама қилинмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш Конституцияга киритилаётган қоидаларни, шу жумладан, парламент назоратини амалга ошириш бўйича парламент ваколатларини, жамоатчилик назоратини амалга ошириш асосларини белгилаб берувчи, ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан парламентга маърузалар тақдим этиш, Бош вазир номзоди парламентда кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётганида Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажбуриятларини белгилаб берувчи нормаларни амалиётга татбиқ қилишнинг муҳим шартларидан бири эканлиги таъкидланди.

Шу боис семинарда экспертлар Сенатнинг навбатдаги мажлисида Конституцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун билан бирга, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуннинг кўриб чиқилиши мантиқан тўғри ва асосли эканлигини қайд этишди.

Парламент томонидан 2010 йил ноябрда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига асосан ишлаб чиқилган ушбу Қонун Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари негизида ўтказилган ноёб ҳуқуқий эксперимент жараёнида апробация қилинди.

Хусусан, маърузаларда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввалambor, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлар тўғрисидаги ахборотлардан кенг хабардор қилишнинг янгича тартиби жорий этилганлиги хусусида сўз юритилди. Бинобарин, Қонуннинг ушбу қоидалари, семинар иштирокчилари фикрича, энг замонавий демократик талаблар ва стандартларга, демократик институтлар ривожланган мамлакатларда амалда бўлган конституциявий қурилишнинг халқаро амалиётига жавоб берадиган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонунда назарда тутилган жамоатчилик назоратига оид нормани амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмини яратади.

Семинар жараёнида иштирокчилар томонидан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек, "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ва Концепцияда назарда тутилган бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида Конституцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини амалий татбиқ этишга қаратилган бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Семинар иштирокчилари томонидан маъмурий, конституциявий ҳуқуқ соҳасидаги қатор устувор йўналишлар бўйича илмий-назарий, амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлиги таъкидланди.

Семинар иштирокчиларининг фикрича, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётни демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат қурилишининг муҳим мақсади — ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидаги жадал ҳаракатланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

замонавий корхоналарнинг юксалишига асос бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олтинкўл туманида жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Krav teks" Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонаси — шуларнинг бири. У 2011 йилнинг октябрь ойида собиқ "Олтинкўл текстиль" корхонаси негизида ташкил этилган бўлиб, хорижий давлатлардан келтирилган замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган. Жамиятда, асосан, трикотаж мато ва ундан тайёр маҳсулотлар тайёрланади.

Бунинг учун сифатли калава ип илғор технология асосида хорижий ранг-бўёқлардан фойдаланган ҳолда, бир неча жараёнлардан ўтказилгач, тайёр маҳсулотга айланади. Аниқроқ айтганда, шу тариқа корхонадан 100 дан ортиқ номдаги трикотаж кийимлари маҳаллий бозор ва экспортга чиқарилади.

— Бугунги кунда экспортимиз ҳажми умумий маҳсулотнинг 80 фоизига тўғри келмоқда, — дейди қўшма корхона директори Шерзодбек Каримов. — Масалан, якунланган йилда 3,5 миллион долларлик маҳсулотни хорижга сотган бўлсак, 2014 йилнинг икки ойи давомида мазкур кўрсаткич 600 минг доллардан ошди.

Жорий йилда, шунингдек, корхонани техник ва технологик янгилаш учун яна 2,5 миллион долларлик инвестиция жалб этиш режалаштирилган. Шу мақсадда ҳозирги кунга қадар замонавий ускуналарни ўрнатиш учун тегишли бино ва цехлар реконструкция қилиниб, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаб қўйилди.

Қувонарлиси, салкам 800 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоанинг аксарияти ёшлардан иборат. Улар бепул иссиқ овқат, транспорт хизмати ва махсус иш кийимлари билан таъминланган.

— Ўтган йили Олтинкўл саноат касб-ҳунар коллежининг тикувчилик йўналишини тугатганман, — дейди ёш ишчи Асилахон Зокирова. — Декабрь ойидан буён шу корхонада мутахассислигим бўйича ишлаяпман. Биз, ёшларни малакали мутахассисларга бириктирилгани тажрибамизни оширишда қўл келаяпти. Зеро, мақсадим келажакда улар каби ўз касбининг устаси бўлишдир.

Қисқаси, Андижон вилоятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш учун асос яратиб, пировардида уларнинг иқтисодиётимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссасини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

С. ШУКУРОВ.
Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЮТУҚЛИ ЗАЁМЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Шу ўринда заёмларни қабул қилиш тартиби хусусида ҳам батафсил маълумот бериб ўтсангиз.

— Қабул қилинган ҳар бир облигация электрон маълумотлар базаси-реестрга киритилиб, электрон шаклда сақланади. Облигациянинг юза томонига эса у қабул қилинган сана, банк бўлинмасининг рақами ва масъул ходимининг фамилияси кўрсатилган ҳолда, буларни тасдиқловчи штамп босилиб, топширувчига ҳужжат берилади. Текшириш жараёнида рақамларнинг аниқ кўриниши, устига ёзилган қийматда тешиш белгилари, тўланганлик тўғрисида ҳисоб-китоб штампларининг изи йўқлиги, уларнинг орқасида назорат белгилари мавжудлиги сингари омиллар инобатга олинади.

Облигацияларни қабул қилиш ва текшириш ишлари якунлангач, банк Молия вазирлигига заёмларнинг йиғма реестрини тақдим этади.

— Облигация эгаси уни фақат ўзи истиқомат қилаётган манзилдаги банк филиалига топшириши керакми, яъни бунда ҳудуд инобатга олинадими?

— Йўқ, бунда ҳудуд муҳим аҳамият касб этмайди. Ҳар бир облигация эгаси ушбу масалада Халқ банкининг республикамиздаги ўзига қулай бўлган исталган филиалига мурожаат қилиши мумкин. Муҳими, унинг фуқаролик паспорти бўлиши шарт.

— Кўпчиликни облигацияларга тўлов шартлари ҳам қизиқтиради...

— Заём облигациялари сақловчиларига пул маблағларини тўлаш индексация қилишни ҳисобга олган ҳолда, 2014 йилнинг 1 августидан 30 ноябрига қадар амалга оширилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, белгиланган муддатларда тақдим этилмаган заём облигациялари ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади ва қабул қилинмайди. Ўз навбатида, унга тўлов ҳам амалга оширилмайди.

«Халқ сўзи» мухбири
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ суҳбатлашди.

■ БИЗНЕС-ФОРУМ

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон — Сингапур бизнес форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Сингапур Республикаси ишбилармонлари делегациясининг юртимизга ташрифи доирасида ташкил этилди.

Ўзаро ҳамкорлик янада кенгаяди

Форумда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилиниб, хорижий шериклар "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий ва "Ангрен" махсус индустриал зоналарида яратилган инвестициявий муҳит билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, унда савдо соҳаси, электротехника, чарм-пойабзал, қурилиш саноати, энергетика инфратузилмаси, муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи истиқболли сармоявий лойиҳалар кўриб чиқилди. Ўз навбатида, юртимиз тадбиркорларига Сингапурнинг иқтисодий ва ишбилармонлик муҳити ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда икки томонлама манфаатли алоқалар ҳар томонлама кенгаймоқда. Айниқса, 2007 йилнинг январь ойида Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи бундай муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Шу билан бирга, икки давлат ўртасида қатор ҳукуматлараро ва идораларо келишувлар ҳам имзоланган бўлиб, уларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилаётир. "Ҳаво қатнови тўғрисида"ги, "Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги битимлар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Сингапур Савдо ва саноат вазирлиги ўртасидаги келишувлар ана шулар жумласидандир.

2013 йил якунларига кўра, икки давлат ўртасида ўзаро савдо айланмаси ҳажми 47,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу Ўзбекистонда ушбу мамлакат билан ҳамкорликда 33 та қўшма корхона фаолият юритаётгани, улардан 7 таси юз фоиз хорижий сармоя асосида тузилгани, 8 та компания ваколатхонаси рўйхатдан ўтганининг самарасидир, албатта.

Дилшод ЖУМАБОЕВ.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Сирли равишда ғойиб бўлган, Малайзиянинг “Malaysia Airlines” авиакомпаниясига қарашли “Boeing 777-200” русумидаги йўловчи самолётини қидириш ишлари ҳанузгача натижа бергани йўқ.

Қидирув давом этмоқда

Ҳинд океани ҳудудида олиб борилаётган мазкур тадбирда Австралия, Хитой, Малайзия, АҚШ, Жанубий Корея ва Японияннинг ўнта самолёти ҳамда саккизта кемаси иштирок этмоқда. Сўнгги бир неча кун мобайнида уммон юзасидан ҳаво лайнери бўлаклари бўлиши мумкинлиги тахмин қилиниб, турли ҳажмдаги жуда кўплаб шубҳали жисмлар қўлга киритилди. Аммо текширувлардан кейин уларнинг “Boeing 777-200”га умуман дахли йўқлиги аниқланди.

Энди қидирув жойида АҚШдан келтирилган, юқори даражадаги сезувчан хусусиятга эга гидролокатордан фойдаланилади. Ушбу қурилма олти минг метргача бўлган чуқурликда турган “қора қути”ни илғаш имкониятига эга. Мутахассислар балки шунда бирор бир натижа чиқар, деган умидда.

Зарар инқирозга сабаб бўлмади

Ўтган йили Италиянинг “Intesa Sanpaolo” банки 4,5 миллиард евро миқдорида зарар кўрган.

Бу ажратилган кредитлар ҳажмининг ортиқлиги, уларни қайтариш бўйича эса тўловларнинг тушиб кетгани билан изоҳланмоқда. Шунга қарамай, таҳлилчилар жорий йил якунида ушбу молия муассасасининг соф фойдаси бир миллиард евро атрофида бўлишини тахмин қилишаяпти. Чунки “Intesa Sanpaolo” мутасаддиларининг келгуси тўрт йил учун ишлаб чиққан янги бизнес-режаси банк акциялари нархининг кўтарилишига сабаб бўлди. Аниқроғи, ана шу муддат давомида дивидендлар учун 10 миллиард евро миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилгани қимматли қоғозлар бозорида қизиқиш уйғотди.

Йўқолган тош кимда?

Женевадаги қимматбаҳо буюмларни сақловчи “Malca-Amit” компаниясида қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг пушти рангли бриллиантнинг йўқолиши катта шов-шув келтириб чиқарди.

Маҳаллий “RTS” телеканали хабарига қараганда, оғирлиги 50,66 каратга тенг ушбу тошни бизнесмен Силла Муса 2007 йилда “Malca-Amit”га сақлаш учун топширган. Ўтган йилнинг август ойида у ўзига тегишли буюмни текшириш учун компанияга мурожаат қилади. Аммо муассаса ходими бриллиант бошқа бир одамга берилганини айтади. Таажжубга тушган ишбилармон ҳуқуқ-тартибот идорасидан кўмак сўрайди. Полиция “Malca-Amit”да тинтув ўтказиб, тошнинг йўқолишида гумон қилинган уч нафар ходимни сўроққа тутади.

Қизиқ жиҳати, компания раҳбарияти бриллиантни 2008 йилда Силла Мусанинг ўзи қайтариб олганини билдириб, буни тасдиқловчи ҳужжатлар борлигини маълум қилган.

Гольф тўпига тенг дўл

Гонконгда кучли шамол эсиб, жала ва дўл ёғиши бир қанча талафотларга сабаб бўлди.

Жумладан, пастликда жойлашган айрим ҳудудлар ҳамда иккита метро бекатини сув босди, кўплаб дарахтлар қулаб тушди, савдо марказларидан бирининг ойнадан ишланган томи дўл таъсирида синиб тушди. Чунки дўлнинг баъзилари ҳатто гольф тўпига тенг катталикда эди. Гонконг халқаро аэропортида ўнлаб парвозлар кечиктирилди. Шамолнинг кучлилигидан портда турган контейнерлардан 20 таси ағанаб кетган.

Синоптикларнинг айтишича, ушбу ёғингарчилик миқдори соатига 100 миллиметрни ташкил этган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Диққат: танлов!

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида “Йилнинг энг фаол ёш журналисти” республика танловини ўтказади.

Танловда мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмунмоҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2014 йилнинг 1 ноябригача “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй)да қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— муаллифнинг паспорт нусхаси;

— таҳририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;

— 4х6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;

— муаллифнинг боғланиш телефонлари.

Танлов ғолиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллик байрами арафасида топширилади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 170-90-27, 241-00-50.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти божхона бошқармаси

компьютер техникалари хариди бўйича

танлов эълон қилади.

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда ҳамда устки қисмига **«Компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танловга»** деб ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт.

Таклифларнинг техник ҳамда тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда **«Техник қисми»** ва **«Тижорат қисми»** сўзлари ёзилган бўлиши керак.

Танлов бўйича таклифлар 2014 йил 28 апрель соат 17.00 гача қабул қилинади.

Танлов ҳужжатларининг нархи — 96 105 сўм (танлов ҳужжатлари учун ўтказилган пул қайтарилмайди).

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси, 352-уй. Телефон: (8-365) 770-06-30.

Ҳисоб рақами: 21506000900568415001, МФО: 00017, ОКОНХ: 97200, СТИР: 201266723
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бухоро вилояти бош бошқармаси.

516R/268

3 кун • 2 та павильон • 150 та компания

APTEKAEXPO CENTRAL ASIA · TIHE · UZBEKISTAN STOMATOLOGY

19-ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАФТАЛИГИ

2014 йил 9-11 АПРЕЛЬ «Ўзэкспомарказ», Тошкент

ТАШКИЛОТЧИ ITE

ITE Uzbekistan
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz

www.tihe.uz

ufi Member

Guvohnoma № 3583

359R/85

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қорақалпоғистон Республикаси бош филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2014 йил 27 январдаги 23-1304/1283-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси, 8-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 10562,23 кв.м., фойдаланиш майдони 4157,2 кв.м. бўлган, 2001 йилда қурилган, «Амударё» сузиш бассейни иморати қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 125 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 1 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 29 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг ОАТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (8-361) 222-84-44. www.1kms.uz

522A/1453

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

188A/93

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Бухоро шаҳар суд департаменти томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2013 йил 16 декабрдаги 2-65-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қ. Ражабовнинг иши бўйича рўйхатга олинган Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Сомий кўчаси, 19-уй олдида жойлашган, 3 та хонадан иборат, умумий ер майдони 46 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.

Бошланғич баҳоси — 41 687 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 1 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулк 2014 йил 1 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 16 май куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда.

1. Бухоро шаҳар суд департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2013 йил 11 декабрдаги 1-441-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Туткунда» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Армометал» ҚК МЧЖ балансида бўлган асосий воситалар, ускуналар ва бино-иншоотлар мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 256 659 507 сўм.

2. Бухоро шаҳар суд департаменти томонидан ФИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Мақсуд Мансур Меҳри» фермер хўжалигига тегишли, Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 (бир) гектардан иборат бўлган иссиқхона.

Бошланғич баҳоси — 910 781 557 сўм.

Ушбу кўчмас мулклар бўйича савдолар 2014 йил 16 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар 2014 йил 16 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 1 май куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

* юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
* савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
* талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур кўчмас мулк қуйидаги шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказилган кунда кимошди савдоси якуний баённомасига имзо чекади ва 5 (беш) банк куни мобайнида тўловларни амалга ошириши шарт.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефон: (8-365) 221-51-62, (+99894) 248-48-65.

517R/1090

Хизматлар лицензияланган.

IPOTEKA BANK

«ИПОТЕКА-БАНК»

акциядорлик тижорат ипотека банки

банкнинг инвестиция портфелидаги қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини аниқлаш бўйича баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун ариза бериш муддати — мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун.

Танловни ўтказиш шакли — очиқ танлов.

Баҳоловчи ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:

— бизнесни баҳолаш (мулкий комплекс сифатидаги корхоналар, моддий ва номоддий активларнинг барча турлари) ҳуқуқини берувчи лицензия ва фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг мавжудлиги;

— охирги 3 йил давомида «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом» талабларини бузмаганлиги;

— Тошкент шаҳрида юридик рўйхатдан ўтган бўлиши.

Танловда иштирок этиш истагидаги баҳоловчи ташкилотлар танловда қатнашиш учун ариза бериш муддати тугагунга қадар конвертда, «Баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов» белгисини қўйиб қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

— тўлдирилган қатнашчи анкетаси (қатнашчи анкетаси www.ipotekabank.uz интернет манзили бўйича жойлаштирилган);

— бизнесни баҳолаш ҳуқуқи учун (мулкий комплекс сифатидаги корхоналар, моддий ва номоддий активларнинг барча турлари) лицензия нусхаси;

— фуқаролик жавобгарлиги суғурта полиси нусхаси;

— давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

— устав (ўзгартириш ва қўшимчалари билан) нусхаси;

— ташкилот раҳбари ва ишчиларининг баҳоловчи малака сертификатлари нусхалари.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар (кўп варақли ҳужжатлар рақамланган ҳамда тикилган бўлиши лозим) корхона раҳбари имзоси билан тасдиқланган ва корхона муҳри босилган бўлиши лозим.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 17-уй.
Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 150-89-52, 150-98-19.

Хизматлар лицензияланган. 512A/219

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Фарғона вилояти хўжалик судининг раиси

Содигжан ЗОКИРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси жамоаси “Ўзбекфильм” киностудиясида узоқ йиллар директор ўринбосари бўлиб ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Қаюм АБДУРАҲМОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Миллий либосларнинг бетакрор жозибаси

Тинч ва фаровон, бунёдкорлик оғушидаги юртимиз байрамлари доимо катта шодиёналарга уланиб кетади. Ҳар бири ўзгача чексиз ҳузур, роҳат ва фароғат бахш этади.

ИФТИХОР

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда — Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналари ҳам худди шундай қувончу шодликларни ҳадя этди. Айниқса, Президентимизнинг ушбу шодиёнадаги табрик сўзи барча юртдошларимиз қатори мени ҳам бениҳоя тўлқинлантирди. Хусусан, осуда кунларнинг қадрига етиш, бу мўътабар айёмда савоб ишларни амалга ошириш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетгани тўғрисидаги сўзлари юрак-юрагимиздан жой олди. Улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга етказишда миллионлаб ватандошларимиз қатори биз ҳам масъул эканлигимизни янада чуқур англаб етдик.

Байрам тантаналарида бу гал Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг бадиий-фольклор ва этнографик жамоалари чиқишларига кенг ўрин берилгани оддий бир томошабин сифатида менда жуда катта таассурот қолдирди. Миллий либослардаги қизларнинг чиқишлари, у ёки бу ҳудудга хос урф-одатлар ва анъаналар намойишини кўриб, халқимизнинг бениҳоя бой маданий меросга эга эканлигидан фахрландим. Санъаткорлар, бадиий жамоалар вакилларининг кийинишида миллийлик кўзга яққол ташлангани, ҳар бир чиқишда ўзимизга хослик уфуриб, қўшиқ ва рақсларга, оҳангга мос тарзда ўзбекона либослар танлангани сезилиб турди. Айниқса, ўзлигимиз кўзгуси — миллий либосларимиз жозибасидан кўзларимиз қамашгудек бўлди, гўё. Шунингдек, саҳна кўринишларида яхшилик, эзгулик, бағрикенглик каби бебаҳо ва ноёб фазилатлар улуғланганини ҳис этиб, қалбим ғурурга тўлди. Бир пайтнинг ўзида гўзал ва тароватли Фарғонада, бетакрор Самарқандда, дарёдил Сурхонда, кўҳна Хоразмда, лапарлару ўланлар юрти Қорақалпоғистонда юргандек бўлдим. Ҳар бир ҳудуднинг ранг-баранг дастурлари халқимизнинг умуминсоний тамаддун ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётганидан, юртимиз қадимий маданият ўчоқларидан бири эканлигидан далолат берди. Инсониятнинг Наврўздек мўътабар ва қадрли кашфиётига дахлдор халқ фарзанди эканимдан кўнглимда ифтихор ҳиссини туйдим.

Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, юртимизда қадриятларимизга, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизга эътибор юксалиб бораётганига, халқимиз турмуш даражаси янада юксалаётганига, ҳар томонлама баркамол авлод тарбияси йўлида оламшумул ишлар рўёбга чиқарилаётганига яна бир карра амин бўлдим. Наврўз, она-Ватан, тинчлик, мустақиллик, бунёдкорлик, ободлик деган тушунчалар барчамиз учун бениҳоя ардоқли ва қадрли эканига ишонч ҳосил қилдим.

Моҳира РАҲМАТОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

ФУТБОЛ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXIII миллий чемпионатининг олий лигасида учинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Чемпионатда пешқадам ўзгарди

Мазкур турнинг марказий ўйини Наманганнинг “Навбаҳор” ва Фарғонанинг “Нефтчи” клублари ўртасида кечди. Айтиб ўтиш жоизки, водий дербисини қарийб ўн икки минг олти юз нафар мухлис бевосита стадиондан туриб кузатиб борди ва бу ушбу турда энг кўп томошабин ташриф буюрган баҳс сифатида қайд этилди. Ишқибозлар шу куни голларга гувоҳ бўлишди, аммо ғолиб номи аниқланмади — 1:1.

Олий лигада ишлари унчалик юришмаётган “Андижон” ўз майдонида “Машъал” билан куч синашди. Якунда меҳмонлар 0:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Бу йилги чемпионатда совринли ўринларга асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилаётган “Олмалиқ” клуби эса “Бунёдкор” майдонида бир очко ишлашга муваффақ бўлди. Ўйинда ҳар икки жамоа дарвозасига биттадан гол киритилди.

“Металлург” стадионида “Локомотив” вакилларига қарши тўп сурган мезбонлар 0:1 ҳисобида имкониятни бой беришди. “Пахтакор” Тошкентда “Қизилқум”ни худди шундай натижа билан мағлубиятга учратди. “Насаф” Қаршида “Бухоро” жамоаси дарвозасига жавобсиз учта тўп киритган бўлса, “Сўғдиёна” “Динамо”га ютқазиб қўйди — 1:3.

Учинчи турда юз фоизлик натижага эришган “Пахтакор” тўққиз очко билан турнир жадвалида пешқадам бўлиб олди. Ундан кейинги поғоналарни банд этиб турган “Насаф”, “Олмалиқ”, “Бунёдкор” ва “Локомотив” жамоалари ҳисобида еттитадан очко бор.

“Андижон” ва “Металлург” клублари эса ҳозирча бирорта очкога эга эмас.

Фазлиддин АБИЛОВ.

САЛОМАТЛИК

Компьютерлаштирилган тиббий ускуна ташхис қўяди

Шеробод туманида жойлашган “Шифо” хусусий клиникасига Буюк Британиянинг “BTL” компаниясидан компьютерлаштирилган махсус тиббиёт дастгоҳи келтириб ўрнатилди.

— Вилоятимизда ҳозирча ягона бўлган ушбу ускуна ёрдамида умуртқа поғонаси ҳамда кўкрак қафаси билан боғлиқ касалликларни жарроҳлик амалиётисиз даволаш мумкин, — дейди мазкур муассаса шифокори Улуғбек Раҳматов. — Унинг яна бир афзаллиги шуки, оғриқли нуқталарни, касаллик келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Шунингдек, тиббиёт муассасасига юрак ва асаб касалликларига ташхис қўювчи замонавий диагностика анжомлари келтирилгани аҳоли учун айни муддао бўлди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АКЦИЯ

Урганч шаҳридаги “Ёшлар кўли” мажмуасида “Камолот” ЁИҲ ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг ҳаракат режаси доирасида “Қадриятларни қадрлаймиз” ва “Сен билан бирга — камолот сари” шиорлари остида ёшлар сайли ўтказилди.

«Ёшлар кўли»да сайил

Унда вилоятдаги умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари қатнашди.

Ҳамжиҳатлик, истеъдод ва маҳорат кўригига айланган ушбу акцияда арқон тортиш, варрак учириш, чиллак, тош кўтариш, бештош, “оқ теракми, кўк терак?” сингари миллий ўйинлар, асфальтга расм чизиш, баҳорий таомлар кўргазмаси каби танловлар ва турли спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари билан ўтказилган учрашув тадбирга янада мазмун улашди. Урганч санъат коллежи ўқувчилари иштирокидаги миллий куй ва қўшиқлар қатнашчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Якунда фаол иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

томонидан қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ҳамда реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга тендер (танлов) эълон қилади.

Тендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси
116000, Наманган шаҳри, Дўстлик кўчаси, 10-уй.
Тел.: (8-369) 234-32-34.
Факс: (8-369) 234-03-94, 234-38-71.
E-mail: namangan.ssb@minzdrav.uz

Банк реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ғазначилиги
х/р: 23402000300100001010,
СТИР: 206920199.
Марказий банк ХККМ
Тошкент шаҳар бош бошқармаси
ш/х/р 49992186014401795010005400 1
МФО: 00014, СТИР: 200056154, ОКОНХ: 97400.

Тендер (танлов) предмети. Қуйидаги лотлар бўйича товарларни етказиб бериш:

1-лот. Шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари (рўйхат бўйича).
2-лот. Реактивлар.
3-лот. Тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Етказиб бериш шартлари

Барча етказиб берувчилар учун:

Ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари томонидан белгиланган қишлоқ врачлик пунктларига тайёр маҳсулотлар етказиб берилиши шарт!

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари маълумотларида акс эттирилади.

Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб белгиланади.

Тендер (танлов) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови юқоридаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тендер (танлов) таклифларини қабул қилиш эълон чоп этилган кундан эътиборан бир ой муддат ичида амалга оширилади.

Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

509A/269

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари ва реактивларни марказлашган ҳолда сотиб олишга тендер (танлов) эълон қилади.

Тендерда қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари), шу жумладан, кичик бизнес корхоналари қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

Тендер комиссияси ишчи органинг номи — Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Тендер комиссияси ишчи органининг манзили:

112038, Фарғона шаҳри, Юксалиш кўчаси, 104-уй. Телефонлар: (8-373) 244-36-43, 244-24-42.
Факс: (8-373) 244-37-03.
Электрон почта: farssb@mail.ru

Банк реквизитлари: Молия вазирлиги ғазначилиги х/р: 23402000300100001, СТИР: 201122919, Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар бош бошқармаси, ш/х/р: 40012186030401795010005400 6, МФО: 00014, СТИР: 200151432, ОКОНХ: 97400.

Танлов предмети.

Қуйидаги лотлар бўйича маҳсулотларни етказиб бериш:

1-лот — шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари;
2-лот — реактивлар;
3-лот — тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори (максимал) баҳоси ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Етказиб бериш шартлари

Барча етказиб берувчилар учун — Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари дорихона омборларига маҳсулотлар етказиб берилиши шарт.

Етказиб бериш муддатлари танлов савдолари ва танлов ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар вилоят танлов комиссияси томонидан савдода иштирок этиш истагидаги талабгор фирма ва корхоналарнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдорига қараб 500 000 сўмдан 37 500 000 сўмгача бўлиб, тендер (танлов) ҳужжатлари ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

521A/270

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

IPOTEKA BANK

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

юридик шахслар учун мўлжалланган қуйидаги янги, жозибадор депозит сертификатларини таклиф этади.

Депозит сертификатларнинг даромадлилик даражаси уларнинг муомалада бўлиш муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидаги шартларда чиқарилган:

* номинал қиймати	10 000 000,00 (ўн миллион) сўм;
* қимматли қоғозлар тури	эгасининг номи ёзилган;
* муомала муддати	даромадлилик даражаси
370 кун	йиллик 6%
547 кун	йиллик 7%
730 кун	йиллик 8%
912 кун	йиллик 9%
1095 кун	йиллик 10%

Депозит сертификатлар бўйича фоизлар ҳар чоракда тўланади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (8-371) 150-98-19. Факс: (8-371) 150-89-52.

Хизматлар лицензияланган.

513A/219

амкодор

ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT»

официальный дистрибьютор холдинга «АМКОДОР» в Республике Узбекистан

погрузчики фронтальные и универсальные | погрузчики с бортовым поворотом, ямобуры | автогрейдеры и землевозы | катки самоходные вибрационные

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

экскаваторы-погрузчики | экскаваторы | машины фрезерные, траншеекопатели | вилочные авто- и электропогрузчики

Товар сертифицирован

Тел./факс: (8-371) 283-42-18, 283-42-17, моб. (+998 94) 669-29-71.
Республика Узбекистан, 100005, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57, e-mail: ajle@mail.ru, www.amkodor.by

380R/199

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тақдим этади!

«МАРДИ МАЙДОН» жонли ижродаги қўшиқлар фестивали

Фестиваль йўналишлари:
- *эстрада;*
- *анъанавий ижрочилик;*
- *академик вокал.*

Фестивалнинг асосий шарти: қўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

Фестивалнинг асосий мезони: қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир.

Фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этади.

Фестиваль лауреатлари 2014 йил сўнгида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан, шунингдек, интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайти орқали олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

195R/17

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 542 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5